

Protected by PDF Anti-Copy Free

(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)
**ХОРАЗМ ВИЛОЯТ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА
СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ
ҚЎШКЎПИРИ**

2024 йил май ойининг 2-кунда Хоразм вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати, ўз боиносида, очиқ суд мажлисида, вилоят суди судьяси З.Якубов раислигида, ҳайъат судьялари М.Махмудов ва Д.Муратовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси О.Мусаевнинг котиблигида, тарафлардан Хоразм вилоят прокуратурасининг бўлим прокурори У.Курязов, судланувчи С.Бекчанова ва унинг ҳимоячиси, адвокат Б.Отажоновнинг иштирокида, Бекчанова Сайёра Атамуратовнага оид жиноят ишини судланувчи С.Бекчанова томонидан берилган апелляция шикоятини жиноят иши ҳужжатлари билан бирга кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И

Жиноят ишлари бўйича Қўшкўпир судининг 2024 йил 4 апрелдаги ҳукмига кўра,

Бекчанова Сайёра Атамуратовна (Bekchanova Sayyora Atamuratovna), 1986 йил 26 апрель куни Хива туманида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, турмуш ўртоғи билан ажрашган, 2 нафар фарзанди бор, 2-гурух ногирони, ишламайди, муқаддам жиноят ишлари бўйича Хива туман судининг 2023 йил 11 декабрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 баравари миқдоридан 4.950.000 сўм жарима жазоси тайинланган, жаримани 2024 йил 16 январь куни тўлаган, судланганлик муддати тугалланмаган, Хива тумани, Паномасим маҳалласи, Буюк йўл кўчаси, 382-уйда яшайди, 2024 йил 9 февралдан шахсий кафиликка олиш эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси ва суд ҳукми нусхаларини белгиланган муддатда олган

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 4-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 4 йил озодликни чеклаш жазосига судланган.

Суднинг ҳукмига кўра, С.Бекчанова хавфли рецидивист бўла туриб, кўшмачилик қилиб моддий даромад орттириш мақсадида, 2024 йил 13 январь куни соат 16:20 ларда тезкор тадбирга жалб қилинган Ж.Алланазаров билан Қўшкўпир тумани, Ёвғир маҳалласи ҳудудидаги янги қурилган кўп қаватли



уйларни бирида учрашиб, Р.Султанова, И.Омонова ва С.Абдримовалар билан 1.500.000 сўм эвазига жинсий алоқа қилишлари мумкинлиги тўғрисида айтиб, ғаразли ва паст ниятларда қўшмачилик қилиб, пулларни олган пайтида ашёвий далиллар билан тўпланган.

Суднинг ҳукмидан норози бўлиб, судланувчи С.Бекчанова томонидан берилган апелляция шикоятда, ўзининг фарзанди ногиронлигини, оилада ягона боқувчи эканлиги инобатга олиниши нисбатан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати, иш бўйича Д.Мураатовнинг маърузасини, судланувчи С.Бекчанова ва унинг ҳимоячиси, адвокат Б.Отажоновнинг шикоятни қаноатлантириш ҳақидаги, прокурор У.Курязовнинг шикоятни қаноатлантирмасдан, суд ҳукмини ўзгаришсиз қолдириш ҳақидаги фикрларини эшитиб, апелляция шикоятдаги важларни жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан биргаликда ўрганиб чиқиб, апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан, суднинг ҳукмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топди.

Судланувчи С.Бекчанованинг суд ҳукмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликдаги айби, ўзининг айбига икромлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари, ариза, Ж.Алланазаров томонидан тақдим қилинган бир дона дискда мавжуд бўлган аудио файлларни тинглаш ва стенограмма қилиш тўғрисида, тадбирда қатнашиш учун пул бериш ҳақидаги, ашёвий далилни олиш тўғрисида, сўзлашувлари ёзиб олинган видео файлни дискка кўчириш ҳамда стенограмма қилиш ҳақидаги баённомалар ҳамда ишда тўпланган бошқа объектив далиллар билан тасдиқланган.

Биринчи инстанция суди, С.Бекчанова томонидан содир этилган жиноят тафсилотларини тўғри аниқлаб, унинг айби исботлангани ҳақида асосли ҳулосага келиб, уни хавфли рецидивист бўлган ҳолда ғаразли ва паст ниятларда қўшмачилик қилганликда ифодаланган жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 131-моддаси 4-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилган.

Судлов ҳайъати, судланувчи С.Бекчанованинг шикоятдаги, ўзига нисбатан енгилроқ жазо тайинлаш ҳақидаги важлари билан келишиб бўлмайди деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасида, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

шу кодекснинг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси



одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозимлиги;

шу кодекснинг 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўқилиш қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

шу кодекснинг 54-моддасида суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 3-бандида, ЖКнинг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Биринчи инстанция суди томонидан С.Бекчановага нисбатан жазо чораси ва турини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ЖКнинг 55-56-моддалари талабларига риоя қилиниб, Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қароридаги раҳбарий тушунтиришларга амал қилиниб, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси, айбни енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатлар инobatга олинган ҳолда адолатли жазо, яъни у айбли деб топилган модда санкциясида назарда тутилмаган озодликни чеклаш жазоси тайинланиб, қонуний ва асосли тўхтамга келинган.

Юқоридагиларга асосан судлов ҳайъати, суд ҳукмини ўзгартириш ёки бекор қилиш учун асослар мавжуд эмас деб ҳисоблайди.

Шунингдек, судлов ҳайъати суд ҳукми ва хусусий ажримдаги судланувчининг фамилияси ва исмини ёзишда ноаниқликларга йўл қўйилганлиги сабабли, “С.Бабажанова” деб кўрсатилган ёзувларни “С.Бекчанова” деб ўқилиши ҳақида аниқлик киритишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 497²⁶ ва 497³¹-моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Урганч шаҳар судининг 2024 йил 4 апрелдаги Бекчанова Сайёра Атамуратовна (Bekchanova Sayyora Atamuratovna)га оид ҳукми ўзгаришсиз, апелляция шикояти каноатлантирилмасдан қолдирилсин.

Суд ҳукми ва хусусий ажримдаги “С.Бабажанова” деб кўрсатилган ёзувлар “С.Бекчанова” деб ўқилиши ҳақида аниқлик киритилсин.



Апелляция инстанцияси судининг ажрим устидан тарафлар Хоразм вилоят суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъатига тафтиш тартибида шикоят (протест) бериши мумкин.

Protected by PDF Anti-Copy Free
(Upgrade to Pro Version to Remove the Watermark)

Раислик қилувчи

имзо:

З.Якубов

Ҳайъат судьялари

и

и



М.Махмудов

Д.Муратов

Аслига тўғри, судья:

